АНДИЖОН ТАРИХИ РАЙОНЛАШТИРИШ ДАВРИДА

О.М. Норматов

Мақолада Ўрта Осиёда 1926 йилда ўтказилган иқтисодий районлаштириш даврида ташкил қилинган Андижон округининг ҳолати статистик маълумотлар ва турли бюллетень материаллари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *районлаштириш, иқтисодий районлаштириш сиёсати, Андижон округи, районлаштириш комиссияси, қишлоқ хўжалиги.*

В статье на основе статистических материалов и различных бюллетеней освещено положение Андижанского округа, образованного в период экономического районирования, проведенного в Средней Азии в 1926 году.

Ключевьие слова: *районирование, политика экономического районирования, Андижанский округ, комиссия по районированию, агрокультура.*

On the basis of statistics and various bulletins th article describes the elements of formation of Andijan region, formed in the period of economic regionalization, held in Central Asia in 1926.

Key words: *regionalization, regionalization of economic policy, Andijan district, zoning commission, agriculture.*

Ўрта Осиёда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ўлканинг маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларини тартибга солиш учун ўтказилган чора-тадбирлардан бири районлаштиришдир. 1925 йилнинг бошларида Марказ томонидан Ўзбекистон ССРда районлаштириш бўйича марказий ва вилоят комиссиялари тузилди. Марказий комиссияга раис А.Мавлонбеков бошчилигида Зелькина, М.Хўжаев, Ф.Хўжаев, Прохоров, Е.Конобоев, Горбунов, Шербаков ва бошқалар тайинланишди [1]. Бундан ташқари, 7 та вилоят бўйича ҳам алоҳида комиссияларга раис ва аъзолар тайинланди. Районлаштириш комиссиясининг 1926 йил 29 сентябрдаги сўнгги йиғилишида қарор қабул қилиниб, республикадаги вилоят, уезд ва волостлар бекор қилиниб, уларнинг ўрнида округ, район (туманлар) ва қишлоқ советлари (шўролар) ташкил этилди. Ушбу мақолада районлаштириш сиёсати натижасида ташкил этилган Андижон округининг умумий ҳолати ҳақида сўз боради.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг, Андижон уезди Ўзбекистон ССРнинг Фарғона области таркибига киритилди. Бундан ташқари, Фарғона области таркибига Қўқон, Наманган, Фарғона уездлари ҳам киритилди [2.1-4]. 1926 йил ўрталарида яъни, Ўрта Осиёда районлаштириш ўтказилиши арафасида, Ўзбекистон ССР районлаштириш комиссияси томонидан Фарғона областида 19 та район (туман), 417 та қишлоқ совети (шўролар) тузиш режалаштирилди [3]. Районлаштириш ўтказилгандан сўнг, Хўжанд округи билан қўшиб ҳисоблаганда, 28 та район, 565 та қишлоқ совети тузилди [4].

Марказнинг районлаштириш комиссияси расмий маълумотларига қараганда, Андижон округининг ҳудуди шимоли-шарқда ва жануби-шарқда Қирғизистон автоном области билан, ғарб ва жануби-ғарбда Қўқон округи билан чегараланган. Округнинг умумий майдони 6.427 квадрат вёрста (1 вёрста = 1,0668 км)ни ташкил этган бўлиб, таркибига қуйидаги 12 та район киритилиши режалаштирилди: Косонсой, Янгиқўрғон, Шўрқўрғон, Норин, Избоскан, Балиқчи, Шаҳрихон, Асака, Аравон (Марҳамат), Андижон, Жалолқудуқ ва Қўрғонтепа [5] каби районлардир.

Маълумотларга кўра, округда 866 та аҳоли пунктлари (манзилгоҳ), хўжаликлари сони 130420та бўлиб, округ аҳолиси умумий сони 724397 нафар кишини ташкил этган. Аҳолининг 566058 нафари қишлоқ, 158339 нафари шаҳар аҳолиси ҳисобланган. Аҳоли этник таркибининг 72,6 % ини ўзбеклар, қолган қисмини қирғизлар (7,9%), қипчоқлар (5,2%), уйғурлар (3%), қорақалпоқлар (1,8%), тожиклар (1,2%), руслар (1,1%), қурама (0,4%) ва бошқа элат вакиллари ташкил этган. Округ бўйича аҳоли зичлиги 1 квадрат вёрстага 112 кишига тўғри келган. Демак, маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон округи водийнинг бошқа ҳудудларига нисбатан аҳолиси анча зич жойлашгани билан характерланади. Аҳолининг саводхонлик даражаси турли ҳудудларда турлича бўлган. Районларда кўпроқ бошланғич таълим берувчи ўқув муассасалари фаолият юритган бўлса, шаҳар марказларида ўрта ва олий билим юртлари ўз фаолиятларини амалга оширган [6].

Андижон округида қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Округнинг умумий экин майдони ҳажми 216.368 десятина (1 десятина = 1,03 гектар)ни ташкил этган бўлса, бунинг атиги 1 % ини лалмикор ерлар ташкил этган. Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисми суғорма деҳқончиликка асосланган. Қишлоқ хўжалигида, асосан, пахтачилик, дуккакли экинлар ва донли экинлар етиштириш яхши йўлга қўйилган. Округнинг суғориладиган ерларида асосан пахта (47,6 %), шоли (18,9 %), маккажўхори (10,3 %) ва буғдой (10,2 %) етиштирилган. Бундан ташқари, катта миқдорни ташкил этмаса-да, беда (2,8 %) ҳам етиштирилган [7.130].

Чорвачилик ҳам муҳим ва ўзига хос ўринга эга соҳалардан бири ҳисобланса-да, округда ёрдамчи тармоқ бўлган. Чорва молларидан, асосан, мавсумга қараб ишчи кучи сифатида фойдаланилган. Чорва моллари савдоси, айниқса, кузда, ҳосилни йиғиштириш пайтида авжда бўлган. Манбаларда кўрсатилишича, округ бўйича чорва молларининг умумий сони 207192 бошни ташкил этган, шундан 42364 боши от, 98371 боши йирик қорамол, 44193 боши қўй ва 18816 боши эчкилардан иборат бўлган [7.130].

Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари боғдорчилик, узумчилик ва ипакчилик соҳалари ҳам ўзига хос равишда ташкил этилган бўлиб, улар ҳам округда алоҳида ўринга эга тармоқ ҳисобланган.

Округ ҳудудида, расмий маълумотларга кўра, 48 та бозор фаолият юритган бўлса, уларнинг энг муҳимлари Наманган ва Андижонда жойлашган. Ана шу жиҳатдан ҳам округдаги савдо-сотиқ ишлари, асосан, икки қисмга ажратилган: Наманган округнинг марказий ва шимоли-ғарбий қисмларини, Андижон эса округнинг қолган қисмларидаги аҳоли истеъмол эҳтиёжларини қондирувчи марказ ҳисобланган. Кучли иқтисодий марказий бозор Асака бозори ҳисобланган. Округда 111 та давлатга қарашли, 237 та тижорат ва 3843 та хусусий савдо шахобчалари фаолият кўрсатган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шахобчаларининг пул айланмаси 46.504.000 рублни таш-

кил этган бўлиб, бунинг 33.628.000 рубли давлат шахобчаларига, 4.091.000 рубли тижорат шахобчалари ва 8.785.000 рубли хусусий шахобчалар ҳиссасига тўғри келган [6].

Андижон округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шахобчаларидан ташқари 41 та пахта сотиб олиш пункти ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 11 та пункт ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий манзилгоҳларида фаолият юритган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон округи пахта хом ашёсини етиштириш ва уни ишлаб чиқариш учун тайёрлаш бўйича Республикада 1-ўринда бўлган.

Андижон округининг саноатига эътибор берадиган бўлсак, у округда ўзига хос ўринга эга бўлган. Округда йирик саноат, асосан, пахтачиликка мослаштирилган. Манбаларга қараганда, йирик саноат корхоналари округнинг Андижон ва Наманган шаҳарларида жойлашган. Масалан, Андижонда битта механик устахона, битта ун заводи, битта ёғ-мой-совун заводи, битта пиво заводи, битта тери-ичакни қайта ишловчи завод, 2 та пахта тозалаш заводи, битта босмахона, битта электростанция мавжуд бўлган бўлса, Наманганда 5 та пахта тозалаш заводи ва 4 та хусусий пахта тозалаш заводи, битта ёғ-мой-совун заводи, битта тери-ичакни қайта ишловчи завод ва биттадан босмахона, электростанция, ун заводи мавжуд бўлган.

Андижонда темир йўл фаолияти ҳам ўзига хос йўлга қўйилган эди. Округ ҳудудларидан 2 та темир йўл йўналиши ўтган бўлиб, биринчиси Қўқон округининг шимоли-шарқидан бошланиб, округ жануби-шарқи орқали Қирғизистонга йўналган. Иккинчи йўналиш ҳам Қўқон жануби-шарқидан бошланиб, Андижон шаҳрида тугаган. Округ ҳудудида 12 та темир йўл станцияси бўлиб, улар қуйидагилар эди: Хонобод, Қорасув, Қўрғонтепа, Гурунчмозор, Андижон II, Андижон I, Асака, Ҳаққулобод, Тўқай, Пойтуғ, Учқўрғон ва Наманган [7.131]. Бундан ташқари, округда марказий манзилларни ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғловчи автоулов йўллари ҳам бўлиб, улар аҳоли ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларда муҳим роль ўйнаган.

Андижон шаҳри округнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан маркази саналган бўлса, географик нуқтаи назардан округнинг марказида Наманган шаҳри жойлашган. Марказни районлаштириш комиссияси томонидан округдаги 36 та волост ва 226 қишлоқ совети ўрнига, 12та район ва 289 қишлоқ совети (162 таси ўзбеклар, 17 таси қозоқлар, 16 таси қирғизлар, 8 таси тожиклар, 3 таси уйғурлар, 1 таси қурама ва рус, қолган 80 дан ортиғида турли миллат вакиллари яшайдиган қишлоқ советлари) тузиш режалаштирилди ва амалга оширилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, 1926 йилда Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан Ўрта Осиёда ўтказилган маъмурий-иқтисодий районлаштириш натижасида Ўзбекистон ССРдаги маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номлари, чегаралари ўзгартирилди. Жумладан вилоятлар, уездлар, волостлар ўрнига округлар ва районлар (туманлар) ташкил қилинди. Қишлоқ советлари сони эса кўпайтирилди. Ўрта Осиёда амалга оширилган маъмурий-иқтисодий районлаштириш Андижонда ўзига хос равишда амалга оширилган. Ушбу мақолада районлаштириш даврида Андижон округининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларнинг умумий ҳолатига қисман тўхталган бўлсак-да, таҳлиллар шуни кўрсатадики, Андижон ҳудуди Ўзбекистон тарихида ўзига хос маданий, иқтисодий марказлардан бири бўлган. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, совет давридаги Андижон тарихини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Адабиётлар:

1.ЎзР МДА, 86 –фонд, 1-рўйхат, 3405-иш, 14-15-варақлар.

2.Список населённых мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск III. Ферганская область. – Самарканд, 1925.

3.Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3404-иш, 19-варақ.

4.Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3404-иш, 60-62-варақ.

5.Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 341-342-варақлар.

6.Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 4-8-варақлар.

7.Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд, 1926.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти,
2015 йил 5 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Ражабов)